



Мўғуллар буюк Бухоро шахрини хонавайрон, унинг халкини киргин килиб, масжид ва мадрасаларини ёкиб, сўнгра кўшни шаҳар Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад ибн Такашнинг пойтахти Самарканд шахрига отланишди. Мўғуллар бу икки шаҳар орасидаги Зарафшон ирмоғи бўйлаб йўл юришди. Йўлга чиқаркан, Бухоро шахридан асир килиб олган мусулмонларнинг катта жамоасини ўзлари билан олишган эди. Ибнул Асирнинг асирлар ҳақида айтган сўзлари киши баданини жунжитиб юборади: «Энг хунук, энг разил суратда асирларни олиб кетишар, йўлда хушидан кетган ва йўл юришдан ожизлик қилганларни ўлдиришар эди».

Шундай экан, нима учун Бухородан Самаркандгача бу асирларни ўзлари билан олиб кетишар эди? Асирларни Бухородан Самаркандгача олиб кетилишидан бир канча мақсадлар кўзланган бўлиб, қуйида айримларига ишора қиламиз:

Биринчидан: Хар ўнта асирдан биттасига мўғул байроғини кўтартириб қўйишарди, ҳатто узокдан кўрганлар буларнинг барчаси мўғул кўшини деб ўйлашлари ва жангчиларнинг саноғи ададсиз, кўркинчли бўлиб кўриниши, дилларни кўркув чулғаб, уларга қарши чиқиш амримаҳол экан, деб урушсиз таслим бўлиш учун эди.

Иккинчидан: Асирларни ўзлари билан бирга жанг қилишга мажбур этар, бирга жанг қилишдан бўйин товлангани ва қуч билан қаршилиқ қилганини ўлдиришар эди. Шу зайлда мусулмон асирлар биродарларига қарши мўғуллар сафида мажбуран жанг қилишар эди.

Учинчидан: Асирлар жонли қалқон вазифасини бажариб берарди, уларни сафнинг олдига қўйишиб, ўзлари уларнинг ортига беркинишарди. Агар мусулмонлар мўғулларга қарата ўқ отсалар, мусулмон асирларга тегарди.

Тўртинчидан: Бостириб келган шаҳар дарвозаси олдида уларни қатл қилишарди, бу билан душманининг қалбига кўркув солиш ва мўғулларга қарши чиқишнинг оқибати мана шундай бўлишини эълон қилар эдилар.

Бешинчидан: Жангларда душман қўлига тушган мўғул асирларига бу асирларни алмаштирар эдилар. Гарчи бундай ҳолат нодир бўлган бўлса ҳам. Чунки мўғуллар жуда оз енгилгандир.

Самарканд Исломи жуда тараккий этган ва ўша пайтлар энг бой бўлган буюк мусулмон шаҳарларидан бири эди. Самаркандда кўплаб кўргонли қалъалар бор бўлиб, шаҳар

атрофи баланд деворлар билан ўралган, нафакат саройлар, балки ҳар бир хонадоннинг ҳам богчали ховлиси бўлиб, бир сўз билан айтганда, жаннатмакон жой эди.

Хоразмшоҳ, онаси Туркон Хотун билан муроса килолмагани сабаб онасига пойтахт Урганчи қолдириб, ўзи Самаркандни пойтахт қилиб олганди. Шунинг учун Хоразмшоҳ шаҳар ҳимоясига 50 минг, ҳатто баъзи манбаларда шаҳарда турк, гурли ва хуросонли 110 минг Хоразм аскарларини қолдиргани айтилади. Тарихчилар Жувайний ва Рашидуддин 110 минг аскарнинг 60 мингги турк, қолган 50 мингги тожик миллатига ҳослиги ва шу билан бирга баҳайбат, ортга чекинмайдиган қилиб тарбияланган 20та филлари бўлганини ривоят қилишади. Аскарлардан бўлак Самарканд шаҳрида юз мингларча аҳоли истикомат қиларди.

Чингизхон Самарканд шаҳрига етиб келди ва шаҳарни ҳар томондан қамал қилди, аммо шаҳар ҳимояси учун Хоразм қўшинлари ўрнидан қўзғалмади. Қалбаларини қўрқув қўлга олган, шармандаларча ҳаёти дунё илинжида бўлгандилар, яъни дунё ҳаётини афзал қўрдилар. Шаҳар аҳолиси бир жойга тўпландилар ва қучсиқ, тўғрироғи, руҳияти синик қўшиннинг мўғулларга қарши жангга чиқиш оқибатида мағлуб бўлиши ва мағлубиятдан кейин нималар содир бўлиши ҳақида баҳс қилишди. Омма инсонлар ичида қалбаларида ҳамияти, гурури бор етмиш минг самаркандликлар мўғулларга қарши жангга чиқишга қарор қилишди, фақиҳлар ва уламолар ҳам улар сафида эди. Улар душманга қарши от-уловсиз, аскарлик қалқонлари ва совутларсиз пиёда ҳолатда жангга чиқишди. Лекин ҳали хануз уйқудан уйғонмаган масъулиятсиз, совуққон аскар қилиши керак бўлган вожибни булар қоиما қилишди. Самарканд халқининг жангга чиқиб қелаётганини қўрган мўғуллар ҳатарли ҳарбий ҳийла ишлатишди, шаҳар деворларидан орқага чекинишди, бу билан уммат жонқуярларини шаҳардан узоқлаштиришни мақсад қилдилар. Улар бирин-кетин Самарканддан узоқлашиб борар ва ортларига пистирмалар қўйиб кетардилар. Мўғуллар режаси натижа берган, жанг сирларидан беҳабар мусулмонлар уларни таъқиб қилиб, шаҳардан анча узоқ жойга бориб қолган эди. Шунда мўғуллар уларни ҳар томондан ўраб, қўшаб олишди ва Самарканднинг фақиҳлари, олимлари ва мужоҳидларидан иборат энг афзал риҷолларини даҳшатли суратда қиргин-барот қила бошлади, шаҳардан қикқан 70 минг кишидан биттаси ҳам қолмай барчаси шаҳид бўлди, иншооллох. Самарканд бир лаҳзада энг афзал риҷолларидан айрилди, субҳоноллох! Хиҷрий учинчи йил шаввол ойида юз берган «Уҳуд жанги»да шаҳид бўлган 70 саҳоба, шунингдек, шу йилнинг сафар ойида «Биъру маъуна»да шаҳид бўлган 70 саҳобанинг фожияси мусулмонлар учун улкан мусибат бўлган эди. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам бу саҳобаларнинг қотилларини бир ой мобайнида дуои баъд қилган эдилар. Бу ерда эса, бир неча лаҳзалар ичида 70 минг мусулмон ўлдирилди, улар Самарканд халқининг энг афзаллари эди. Бу 70 минг кишининг мўғуллар қўлида ўлдирилиши қўтилган ҳол эди, чунки мусулмонлар молларини жангга тайёргарлик учун сарфламади, фарзандларининг аскарий тарбиясига эътибор бермади, давлатини ўраб турган қатта қуч — мўғуллар қучи борлиғи ҳаёлларига ҳам қелмади. Мўғул давлати 14 йилдан буён оёққа туриб, секин-аста ҳудуди қенгайиб, уларнинг давлатларига ҳам яқинлашиб қелгани аниқ эди, шундай экан, бу қун учун тайёргарлик қаерда қолди?!

Мўғуллар мусулмон жонқуярларни қириб ташлагандан сўнг, Самаркандга қайтди ва уни қамал қилди. Хоразмнинг мунтазам армияси тубан ва шарманда бир қарорга қелди, шаҳар дарвозасини мўғулларга очиб бериш эвазига улардан омонлик сўради. Ибнул Асирнинг таъбирига қўра: «Мўғуллар билан биз айни ирқданмиз, улар бизни ўлдирмайдилар», дейишди. Ваҳоланки, улар мўғуллар аҳду паймонга риоя

килмасликларини, иттифокчилик килмасликларини яхши билишарди. Зотан, «Бухоро ходисаси» юз берганига ҳам кўп бўлмаган эди. Лекин улар энг тубан хаётга рози бўлдилар. Мўгуллар уларга омонлик беришга аҳд беришди ҳамда зимдан келишувни бузишга ва унга хилоф килишга азму карор килишди. Оддий халк ва омма инсонлар армияга карши чика олмасдилар, чунки Хоразм армияси ўз халкига шер каби, душманига эса, кўркканда бошини ерга тикиб оладиган туякуш каби эдилар, десак балки ўринли бўлар.

Хуллас, мунтазам армия мўгулларга шаҳар дарвозаларини очиб беришди ва таслим бўлган ҳолатда чиқишди. Мўгуллар уларга: «Куроллариингни, мол-давлатлариингни ва от-уловлариингни бизга топширасиз, эвазига омонлик берамиз», дейишди. Мусулмон аскар каттик камситилган, хорланган ҳолатда айтганларини килишди. Вактики мўгуллар уларнинг куроллариини, от-уловларини олиб бўлганида ўзларидан кутилган ишни килдилар, киличлар ялонгочланди ва бир неча лахзада Хоразмнинг мунтазам армиясини битта колдирмай кириб ташлашди. Хоразмнинг мунтазам армияси ўзларига хорликни сотиб олган ва бу учун эваз беришган эдилар. Ва лаа хавла ва лаа куввата иллаа биллах. Сўнгра мўгуллар кўхна Самаркандга кириб, илгари Бухорода килган ишларини такрорладилар. Бехисоб эркак, аёл ва болаларни ўлдиришди, юртнинг мол-мулкини талон-тарож килишди, аёлларнинг хурматини тўкишди ва мисли кўрилмаган хунук азобларни беришди, катта сондаги аёллар ва болаларни асир, кул килишди. Кулликка ярамайдиган заифларини ва кексаларини ўлдиришди, катта масжидларга ўт кўйишди, шаҳарни буткул хонавайрон ҳолатда тарк килишди. Бу ходиса Бухоронинг кули кўкка совирилгандан бир ойдан кейин, яъни 617 йил муҳаррам ойида/1220 йил март ойида содир бўлди. (Ибнул Асир «ал-Камил фит-Тарих» (12/369), Ибн Касир «ал-Бидаяту ван-Нихоя» (17/91), Саллабий «ал-Мўгул» (119-бет), Аҳмад Ўздемир Жузжонийдан накл килади «Мўгул истилоси» (170-бет).)

Ўша вақтда мусулмонлар нахот бу ходисаларни эшитиб, жим караб турдилар?!

Мусулмонларнинг хурмати, обрўси топталаётганини билатуриб, нимага мўгулларга карши бир ёкадан бош чикармадилар?!

Дин, нафс, обрў ва молга тажовуз бўлаётганини кўратуриб, мусулмонлар кандай яна таркок холда юрдилар?!

Мусулмон амирлар кичик бир жойга, бир давлатга ҳокимлик киларди, ўша ҳокимга-да бу ходисанинг хабари етганди, лекин чегараланган мамлакатим тинч, омон, уруш бўлмаяптими, демак омондамиз, деган эътиқодда эдилар. Бу нисбий омонлик билан ўзларини-ўзлари овунтирар, билмаган холда ўзларини-ўзлари алдар эдилар. Агарчи уруш уларнинг юртларидан анча узок масофаларда бўлаётган бўлсада, тез кунларда ўзларининг бошига ҳам бу мусибатлар келишини бу ҳокимлар ўйламасдилар. Самарканд ва Бухорода бўлган воқеалар колган мусулмон давлатларидаги конли ва аламли кунларнинг кириш кисмидир, унда на яқиндаги ва на узокдагилар омон қолади. Ва лаа хавла ва лаа куввата иллаа биллах.

Тарихда юз берган бу ходисаларда уммат учун, ақл эгалари учун улкан ва бехисоб ибратлар бордир...

Абу Абдуллох Шоший